

**“Ангрен логистика маркази” АЖ
кузатув кенгашининг 1-сонли йиғилиш баёни**

Ўтказиш санаси: 2024 йил 15 январь

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй.
“Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: Соат 11:00 да.

Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:

- | | |
|----------------------------------|------------------------|
| 1. Рустамов Бахтиёр Равшанович | кузатув кенгаши раиси |
| 2. Алибеков Тимур Абдумухторович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. Бойсинов Жасур Хасанович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. Абдикаримов Шавкат Озодович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 5. Асроров Умит Саттор ўғли | кузатув кенгаши аъзоси |

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

- | | |
|------------------------------|--|
| 1. Абдураимов Ботир Тураевич | “Ангрен логистика маркази” АЖ
Бош директори |
|------------------------------|--|

Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотранспорт воситаларини белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилотлар билан шартнома тузиб баҳолатиш ва реализация қилиш учун “E-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш тўғрисида.

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 5 нафари, 100% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Б. Абдураимов сўзга чиқиб, қуйидагиларни:

Давлат активларини бошқариш агентлиги 2024 йил 4 январь куни 02/09-3-17/18-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 2023 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-422-сон қарорининг 12-бандига мувофиқ, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг (маҳаллий ҳокимият органлари муассислигидаги жамиятлардан ташқари) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш

тартибини жорий этиш белгиланганлиги муносабати билан жамият уставини ушбу қарор талабларига мувофиқлаштиришни сўраганлигини;

“Ангрен логистика маркази” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 27 июндаги “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаси тўғрисида”ги 87/09-2qr–сонли қарори билан жамиятнинг устави тасдиқланган ва давлат хизматлари марказидан 2023 йил 4 июль куни 2208456-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қилди.

Т.Алибеков, “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг “Агентликнинг давлат мулкни бошқариш соҳасидаги ваколатлари” деб номланган 22-моддасида Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат мулкни бошқариш соҳасида ваколатли орган ҳисобланиши ва ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириши белгиланганлиги, шунингдек қонуннинг “Давлат иштирокидаги корхонанинг юқори бошқарув органи” деб номланган 42-моддасида давлат иштирокидаги корхонанинг юқори бошқарув органи хўжалик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши ҳисобланиши, давлат иштирокидаги жамиятлар акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига соф фойдани тақсимлаш ва унинг бир қисмини дивидендларга йўналтириш, жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, ташкилий тузилмани тасдиқлаш, жамиятнинг ижроия органини сайлаш, тайинлаш, ёллаш, унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш, акцияларни бўлиш ва консолидациялаш, жамиятнинг устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, мулкни гаровга бериш, йирик битим тузиш ёки жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги масалалар киритилаётганда кузатув кенгаши уларни олдиндан кўриб чиқиши лозимлиги ва кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича сайланган аъзолари улар бўйича овоз бериш тартиби тўғрисидаги таклифларни тегишинча давлат улушига нисбатан акциядорлар бўлган агентликка, махсус ваколатли давлат органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиши белгиланганлигини маълум қилди.

Б.Абдураимов, “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 42-моддаси ва “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 2023 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-422-сон қарорининг 12-бандига мувофиқ жамият томонидан жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва тайёрланган устав лойиҳасини тасдиқлаш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритишни таклиф этди (Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлиги 2024 йил 4 январь куни 02/09-3-17/18-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 2023 йил

29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-422-сон қарорининг 12-бандига мувофиқ, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг (маҳаллий ҳокимият органлари муассислигидаги жамиятлардан ташқари) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш белгиланганлиги муносабати билан жамиятнинг устави янги таҳрирда қабул қилинишини инобатга олиб, жамият томонидан жамиятнинг янги таҳрирдаги кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва тайёрланган низом лойиҳасини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритишни таклиф этди (Жамиятнинг янги таҳрирдаги кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

3. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги бешинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамият ягона акциядорининг 2023 йил 19 декабрдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини аудитдан ўтказиш ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари (комплаенс) фаолиятини жорий этиш тўғрисида”ги 200/09-3qr-сонли қарори билан жамиятнинг ташкилий тузилмасида комплаенс хизматини ташкил этилишини назарда тутган ҳолда янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси тасдиқланганлиги муносабати билан жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 сентябрь куни 3319-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон буйриғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низом асосида жамиятнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги низоми лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлашни таклиф этди (Жамиятнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги низоми лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

4. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситаларини белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилотлар билан шартнома тузиб баҳолатиш ва реализация қилиш учун “E-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

2023 йил мобайнида жамиятнинг 477 дона жами баланс қиймати 110 565 339 140,08 сўм, амортизацияси 101 886 805 985,78 сўм, қолдиқ қиймати

8 678 533 163,30 сўм бўлган автомобилотранспорт воситаларидан 458 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситаси “e-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш учун савдога чиқарилган.

Ижарага бериш учун савдога чиқарилган автомобилотранспорт воситаларидан 1 дона автотягач ва 57 дона юк кўтарувчи ярим тиркамаларни бир йил муддатга ижарага берилган. Ижарага бериш учун савдога чиқарилган таъмирталаб 28 дона автосамосвал, 130 дона автотягач ва 241 дона юк кўтарувчи ярим тиркамаларни ижарага олиш учун талабгор топилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2023 йил 1 ноябрдаги 03/27-12/5539-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашни сўраган.

Жамият кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 28 ноябрь куни юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситаларининг техник созлигини белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб далолатномалар тузиб рўйхати шакллантириш ва уларни баҳоловчи ташкилотлар билан шартнома тузиб баҳолатиш ва реализация қилиш учун “E-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш масаласини кўриб чиқиб қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жамият ижро органи томонидан жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилишни сўраб LC/540-сонли хат билан мурожаат қилинган.

Жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситаларини бозор баҳосида баҳолатиш ва реализация қилиш учун “E-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш масаласи кузатув кенгаши ваколатига кирганлиги сабабли ягона акциядор қарори қабул қилинмаслиги билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сонли “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармонида давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари томонидан мулкларни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини 3-бандида устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат

улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автотототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини реализация қилиниши ва давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автотототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага берилиши белгиланган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 75-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш масаласи киритилган.

Б.Абдураимов юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларидан таъмирталаб ва сўнги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотототранспорт воситаларини хатловдан ўтказиб, қонунчиликда белгиланган тартибда мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш учун белгиланган тартибда мустақил баҳоловчи ташкилотлар билан шартнома тузиб баҳолатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 январдаги ПҚ-5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари асосида “Е-аукцион” электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционда сотиш чорасини кўришни сўради.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов
Қаршилар – Т.Алибеков, У.Асроров
Бетарафлар – йўқ

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида”ги масаласини кўриб чиқиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги низом тасдиқлансин.

4. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги таъмирталаб ва сўнги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотототранспорт воситаларини белгиланган тартибда мустақил баҳоловчи ташкилотлар билан шартнома тузиб баҳолатиш ва реализация қилиш учун “Е-auktion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш тўғрисидаги ижро органининг таклифи маъқуллансин.

Жамият ижро органи:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминласин.

2024 йил 1 февраль ҳолатига жамият балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситаларини ва бошқа асосий воситаларини белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб рўйхатини шакллантирсин.

2024 йил 10 февралга қадар “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали жамият балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситаларини реализация қилиш учун баҳолатиш ва баҳолаш ҳисоботларини экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ электрон савдолар биржаси орқали аниқласин.

Автомобилотранспорт воситаларини баҳолаш ҳисоботлари ва уларни экспертизадан ўтказилганлигини тасдиқловчи экспертиза хулосаларини кўриб чиқиб қарор қабул қилиш учун кузатув кенгаши муҳокамасига киритсин.

Кузатув кенгаши раиси




Б.Рустамов

Кузатув кенгаши аъзоси




Т.Алибеков

Кузатув кенгаши аъзоси



Ж.Бойсинов

Кузатув кенгаши аъзоси



Ш.Абдиқаримов

Кузатув кенгаши аъзоси



У.Асроров

Баённома имзоланган сана: 2024 йил 15 январь

